

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ
ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК 684.35+684.51



САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

АГРОНОМИЯ ФАКУЛТЕТИ

5A410102 -“Агрокимё” ихтисослиги магистранти

ЭГАМБЕРДИЕВ ШЕРДОР КОМИЛОВИЧнинг

**“Янги сидерат ўғитларининг тупроқ унумдорлигига ва экинлар
хосилдорлигига таъсири” мавзусидаги магистр академик даражасини**

олиш учун

ДИССЕРТАЦИЯСИ

**Илмий раҳбар: “Агрокимё, тупроқшунослик ва ўсимликларни ҳимоя
қилиш” кафедраси қ.х.ф.д. профессор**

Ф.Ҳ. ХОШИМОВ

САМАРҚАНД 2016

Annotation

Actual themes. Cultivation of the lands with fertilizers which have potential for preserving resources, responsive to the treatment with fertilizers, and the ones which allow to receive the highest level of biomass are regarded as actual. Apart from this, receiving high and sustainable amount of harvest, products derived from these plants must meet the world standard.

Intermediary cultures along with organic fertilizers play a significant role in the preservation and improvement of soil quality.

According to the account of most scientists amaranth is one of the best plants with its appropriateness for intermediary cultivation. Investigating the accumulation of biomass with amaranth, the impact of this biomass on the fertility of the soil through its support to the soil, the fertility of cotton crops are the main and one of the most actual tasks of Agricultural studies.

The main goal of the thesis work is to investigate the impact of amaranth on the fertility, performance of the nutritious substances of the soil, and harvest giving potential and quality of the cotton fibres in the valleys of Zarafshan in the province of Samarkand.

The main object and subject of the thesis work. The main object of the thesis work is typical virgin lands, intermediary cultivation of peas, amaranth and the mixture of amaranth with peas, and the subject of the thesis work was ploughing green manure on the content of humous, its potential power of mineral nitrogen and effectual phosphorus, the crop producing power and technological characteristics of the cotton sort of C-8284.

The hypothesis of the research work. tillage of the biomass of amaranth, peas and the mixture of peas with amaranth boosts the inclusion of humous and nourishing substances, enhances productivity of cotton crops and ameliorates technological properties of cotton fibre.

The level of previous study of the question under consideration. The plant amaranth is prone to give highest level of plant biomass (1500 s/ha) and of seeds to 60 s/ha) it contains quality protein in its seeds which makes up till 20%, and 4% in the leaves (Breus I.P. 1998, Wegerle N., zeller F.J. 1995)

It is also possible to use amaranth for vegetative reclamation purposes (chirkova T.V. 1999) amaranth is also feasible to use in the form of green manure for the

amelioration of the soil productivity and the crop-producing power of cultures. (Khazratkulov Sh.1914, Egamberdiyev Sh. 2016)

Brief description of the methods of the research work.

In the research work we tried to use the standard methods which are mostly applied in agrochemistry. Phenological and biometric research was carried out in accordance with the methods of Uz NIKI 2007, and soil analysis was done with reference to methods of Uz NIKI 1991, and finally,processing of the practiced information was implemented with the reference to B.P.Dospekhov (1985).

Theoretical and practical significance.

For the first time the influence of green manure management of amaranth, and the mixture of amaranth with peas on the humous state of the content of the nutritious substances on the fertility and technological properties of medium fibrous cotton plant of the sort of C-8284 has been investigated under the condition of typical virgin lands. The parameters of enhancing the level of fertility of the soil have been designated depending on the ploughing of biomass.

Scientific novelty of the thesis work. It is the first time green management of manure cultivation and amaranth and its mixture with peas have been researched in Samarkand province. The implemented influence of cultivating organic mass on the fertile soil.

Approbation. The research work was approved in 2015-2016 by the approbation commission of Samarkand Agricultural Institute and was given a positive assessment.

The structure of the thesis work. The dissertation consists of _____ pages, including introduction, references, terms and conditions, method and methodology, the main part of the research work, conclusion and suggestions, the list of used resources and annexation.

The main content of the thesis work. Personal investigation accounts make up the main part of the thesis work and consists of 3 main parts, where the influence ofbiomass is especially significant on the productivity of the soil, and cotton-producing power. More generalized views and suggestions on the basis of the research work were established for boosting the productivity of the typical virgin lands, and getting high amount of harvest in a favorable technological

quality which is recommended for green manure management of the mixture of amaranth with peas.

Аннотация

Актуальные темы. Выращивание высокоурожайных водо и ресурсоберегающих к внесению удобрений и позволяющие получить высокую биомассу являются актуальным. Помимо получения высоких и устойчивых урожаев, продукция получаемая из этих растений должна отвечать мировым стандартом.

В сохранении и улучшении плодородия почвы промежуточные культуры играют весьма высокую роль вместе с органическими удобрениями.

Среди промежуточных культур амарант по оценкам многих экспертов является одним из лучших растений. Изучения накопления биомассы амарантом, влияния этой биомассы на плодородие почвы посредством его заделки в почвы, урожайность хлопчатника является актуальной задачей перед сельским хозяйством.

Целью исследований является в условиях типичных сероземов Самаркандской области Зарафшанской долины изучить влияние амаранта на плодородие, динамику питательных веществ почвы, урожайность и качество волокно хлопчатника.

Объект и предмет исследований. Объектом исследований являются типичные сероземы, промежуточные культуры горох, амарант и смесь гороха и амаранта, предметом исследований явились влияние заделки сидеральных культур на содержание гумуса, динамики минерального азота и подвижного фосфора, урожайность и технологические свойства сорта хлопчатника С-8284.

Гипотеза исследований. Запка биомассы амаранта, гороха и смеси гороха с амарантом улучшает содержание гумуса и питательных веществ, увеличивает урожайность хлопчатника и улучшает технологические свойства хлопкового волокна.

Степень изученности вопроса. Растение амарант даёт высокий урожай биомассы (1500 ц/га) и зерна до 60 ц/га) он обладает качественным белком в зерне содержится до 20 %, в листьях до 4 % (Бреус И.П. 1998, Wegerle N., Zeller F.J. 1995)

Амарант можно использовать в качестве фитомелиоранта (Чиркова Т.В. 1999). Амарант можно использовать в качестве сидерации для улучшения плодородия почвы и урожайности пультур (Хазраткулов Ш. 1914, Эгамбердиев Ш. 2016)

Краткое описание методов исследований. В исследованиях использованы стандартные методы применяемые в агрохимии фенологические и биометрические исследования проведены согласно методики УзНИХИ 2007, почвенные анализы проведены согласно методики УзНИХИ 1991, юююююю обработка опытных данных проведены по Б.П. Доспехову(1985).

Теоретические и практические значение

В условиях типичных сероземов зараджанской долины впервые изучены влияние сидерации амаранта и смеси амаранта и гороха на гумусное состояние содержание питательных веществ на урожайность и технологические свойства средневолокнистого хлопчатника сорта с 8284. Определены параметры повышения уровня плодородия в зависимости от запашки биомассы.

Научная новизна исследований. Впервые в Самаркандской области изучены сидеральные культуры амарант и его смесь с горохом. Установленные влияние заправки органической массы на плодородие почвы.

Апробация. Исследования 2015 – 2016 годы апробированы арбационной комиссией Самаркандской сельскохозяйственного института и оценены положительно.

Структура диссертации. Диссертационная работа состоит из ____ страниц, включающие введение, обзор литературы, условия и методика исследований, основная часть исследований, выводы, список использованных литератур и приложений.

Основные содержание исследований. Собственные исследования составляет основную часть диссертации и состоит из 3 частей, где даётся влияние затаханной биомассы на плодородие почвы. Урожайность хлопчатника. Обобщенные выводы и предложения на основе проведенных исследований установлены для повышения плодородия типичных сероземов.

получения высоких урожаев с хорошими технологическими качествами рекомендуется сидерация смеси амаранта с горохом.

МУНДАРИЖА

	Кириш	8
I.	Адабиётлар шарҳи	10
1.1	Амарант ўсимлигининг халқ хўжалигидаги аҳамияти, баъзи биологик хусусиятлари.	10
1.2	Сидератларнинг ғўза ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсири	13
II.	ТАЖРИБА ЎТКАЗИШ ШАРОИТИ, УСЛУБИ	21
2.1	Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари	21
2.2	Тупроқ, иқлим шароити	22
2.3	Тажриба тузилмаси, услуби	23
III.	АСОСИЙ ҚИСМСИДЕРАТНИНГ ТУПРОҚ АГРОКИМЁВИЙ ХОССАЛАРИГА ТАЪСИРИ	26
3.1	Сидерациянинг тупроқ гумус миқдorigа таъсири	26
3.2	Сидерациянинг тупроқдаги нитрат ва аммоний азоти динамикасига таъсири	31
3.3	Сидерациянинг тупроқдаги ҳаракатчанг фосфор миқдorigа таъсири	34
3.4	Сидерациянинг тупроқнинг ҳажм массаси ва ғоваклиги таъсири	37
IV.	СИДЕРАЦИЯНИНГ ҒЎЗАНИ ЎСИШИ, РИВОЖЛАНИШИ ВА ҲОСИЛДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ	40
4.1	Сидератларнинг ғўза ўсиши ва ривожланишига таъсири	40
4.2	Сидерациянинг ғўза тола технологик кўрсаткичларигатаъсири	43
4.3	Сидерациянинг ғўза ҳосилдорлигига таъсири	46
4.4	Сидератларни қўллашнинг иқтисодий самарадорлиги	50
	ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР	53
	ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР	55
	ИЛОВАЛАР	66

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислохотларнинг туб негизини фермерлик фаолиятини ташкил этиш, ривожлантириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларга кенг имкониятлар яратиб бериш ташкил этади. Кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги соҳасида олиб борилаётган аграр сиёсатнинг ўзгариши, бозор муносабатларига мослаштирилиши натижасида янги деҳқончилик тизими вужудга келди, яъни пахтачилик мажмуидаги амалдаги алмашлаб экишлар ўрнига қисқа навбатли алмашлаб экиш тартиби кириб келиши билан соҳадаги тупроқ унумдорлиги муоммосининг ечими янада долзарб бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги даврда республика миқёсида асосан қўлланилаётган ғўза-ғалла навбатлаб экишдаги технологик жараёнлар билан бир қаторда, мазкур навбатлаб экишга сидерация, яъни кўк ўғитларни киритиш ҳозирги кун учун давр талаби бўлиб қолмоқда. Чунки, бир гектар майдондан олинаётган ҳосилдорликнинг юқорлиги сабабли (ғалла 45-50 ц/га, пахта 30-35 ц/га) тупроқдаги озиқа элементлар баланси манфий бўлиб, уни тиклашда сидерациянинг роли ниҳоятда муҳимдир. Чунки, органик ўғитлар ҳамиша муаммо бўлиб, унинг асосини ташкил этувчи гўнг доимо етишмайди. Шу сабабли бу тадбир биринчидан – тупроқда етишмаётган органика ўрнини қоплайди, иккинчидан – тупроқнинг физикавий, кимёвий, биологик хоссаларига ижобий таъсир кўрсатади. Президентимиз И.А.Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» асарида кўрсатилган вазифалар ҳам айнан шу нарсани тақозо этади ва юқори, сифатли, рақобатбардош маҳсулот етиштиришдек вазифани ҳал қилишда йўл-йўриқ бўлиб ҳисобланади, шунингдек қишлоқ хўжалик соҳаси билан боғлиқ бўладиган инқирозни олдини олишда муҳим рол ўйнайди. Шу сабабли, Зарафшон воҳаси ўтлоқ-бўз тупроқлари шароитида сидератлардан фойдаланиш, янги иқтисодий

муносабатларни инобатга олган ҳолда уларни етиштириш ҳамда амалиётда қўллаш технологиясини такомиллаштириш деҳқончиликнинг шу даврдаги муҳим ҳамда долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Ишнинг илмий янгилиги. Биринчи марта тупроқ микробиологик фаоллиги ва гумус ҳолатини бошқариш орқали тупроқ унумдорлигига ва ғўза ҳосилдорлигини оширишнинг илмий асослари ишлаб чиқилди. Тупроқ микробиологик ҳоссалари ҳамда гумус ҳолатига минерал ва сидерат ўғитларнинг таъсири ўрганилиб унинг ғўза озиқланиши, ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ва маҳсулот сифатидаги роли аниқланади. Тупроқ микробиологик ва агрокимёвий ҳоссалари, гумус ҳолати ҳамда ғўза озиқланишидаги ўзаро узвий боғлиқлик тадқиқ қилинди. Тупроқ микробиологик ҳоссалари ва гумус ҳолатининг унинг агрокимёвий хусусияти ва ғўза озиқланишидаги роли ўрганилди. Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикамизда тупроқ унумдорлигини оширишда минерал ва сидерат ўғитлардан фойдаланиш ҳар доим олимларнинг диққат эътиборида бўлиб келган. Ўзбекистон деҳқончилигида ғўза ва ғалла экилган майдонлар тупроқлари таркибидаги гумус миқдорини ўрганиш ва унга минерал ва сидерат ўғитларнинг таъсирини аниқлаш борасида кўпгина илмий тадқиқотлар (Ж. Саттаров, М. Тошқўзиев, Х. Рисқиева, Ф. Хошимов, Т. Ортиқов, А. Санақулов) олиб борилган. Лекин Самарқанд вилоятининг Пойарик тумани оч тусли бўз тупроқлари шароитида минерал ва сидерат ўғитларнинг оч тусли бўз тупроқлар гумус ва микробиологик ҳолатига таъсири бўйича тадқиқотлар етарлича олиб борилмаган.

1. АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ.

1.1 Амарант ўсимлигининг халқ хўжалигидаги аҳамияти, баъзи биологик хусусиятлари.

Амарант ўсимлиги юқори маҳсулдорлиги, қимматбаҳо кимёвий таркиби туфайли ҳозирги пайтда дунёда халқ хўжалиги соҳасида озиқ-овқат, ем-хашак, сидерат ва биологик фаол моддалар олишда муҳим аҳамиятга эга (Молчанова А.В., 2011; Быков Ю.В., 1999). Амарант ўсимлиги МДХ давлатларида XX асрнинг 30-50 йилларида асосан Украина ва Шимолий Кавказда ем-хашак экини сифатида муваффақиятли етиштирилган. Сўнгги йилларда ўтказилган тадқиқотларнинг кўрсатишича, амарант дони оксил, аминокислоталар таркиби, витаминлар, макро ва микроэлементлар, биологик актив моддалар, липидларнинг сифат таркиби бўйича асосий анъанавий озиқ-овқат экинларидан устун туради. БМТнинг озиқ-овқат бўйича (ФАО/ВОЗ) экспертлари амарантни ХХИ аср ўсимлиги деб ҳисобламоқда (Чиркова Т.В., 1999, Быков Ю.В., 1999). АҚШ олимларининг тадқиқотларига кўра амарант оксили биологик қиймати бўйича 100 балли баҳолаш тизимида - 75 баллни, буғдой оксили - 56,9, соя донлари - 68, сигир сути – 72,2 балл билан баҳоланди (Быков Ю.В., 1999). Амарант донидан мой олиш ва қўллаш ҳам ҳозирги пайтда медицинада долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Амарант уруғининг липид таркиби мувозанатлашган мой кислоталари таркиби, биологик актив моддалар, ўсимликларда кам учрайдиган сквален, токоферол, стерол, фосфолипидлар кўплиги билан бошқа анъанавий мойли ўсимликлардан фарқ қилади. Амарант мойи таркибида юқори терапевтик, турли хил ўсмаларга қарши ва бактерицид эффектга эга бўлган сквален моддасини 10% гача сақлайди. Скваленнинг вазифаси пролифератив жараёнларнинг мувозанатлаштириш бўлиб нафақат ҳужайранинг ички концентрацияси, балки унинг ферментлар фаоллигига таъсири ҳамда ўз молекулаларини синтезлаш катализацияси ва барча фаол изопреноидларнинг умумий ўтмишдошлари биогенезига асосланган. Бундан ташқари сквален одам ва ҳайвон организмида бир қанча гармонларнинг биосинтезида

қатнашади. Асримизнинг бошида стерин гуруҳига мансуб бўлган биологик фаол модда сквален саноат шароитида фақат акула жигари ёғидан олинар эди. Амарант мойи ушбу қимматбаҳо модданинг қайта тикланадиган муқобил манбаси ҳисобланади (Быков Ю.В., 1999). Амарант мойининг қўлланилиш соҳаси нафақат озиқ-овқат саноатини, балки парфюмерия-косметика, фармацевтика саноати, ҳамда тиббиётнинг турли соҳаларини ҳам кенг қамраб олади. Ю.В.Быков (1999) тадқиқотларида ўсимлик мойларига озиқавий қўшимчалар ишлаб чиқиш, маргарин ва майонезлар сифатини ошириш ва оксидланишга чидамлилигини ошириш, ҳамда даволаш-профилактика мақсадларида эффектив қўллаш учун амарант донидан биологик фаол моддалар олиш технологияси ишлаб чиқилган. Амарант ўсимлигининг уруғ сарфи жуда ҳам кам бўлиб, гектарига - 0,5-1,0 кг ни ташкил этади ва дон ҳосилдорлиги 40-60 ц/га ни ташкил этади. Амарант дони таркибидаги биологик фаол моддалар миқдорини тўлиқ сақлаб қолган ҳолда чиқиндисиз технологиялар асосида ун ишлаб чиқариш новвойчилик соҳаси хом ашё базасини бойитиш, нон пишириқлари, қандолатчилик ассортиментларини кўпайтириш, ҳамда уларнинг биологик қийматини оширишда муҳим ўрин тутди.

Мамлакатимизда донли амарантнинг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлигига турли хил омилларнинг таъсири ҳақида маълумотлар деярли йўқ. Ушбу ўсимлик турли хил навларининг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлиги (А.В.Стуруа, 2007), туп сони қалинлиги ва экиш чуқурлиги ва муддатларининг ўсимлик маҳсулдорлигига таъсири (И.Н.Тарасова, 2012), минерал ўғитларнинг ем-хашак ва дон учун экилган амарантнинг ҳосилдорлигига таъсири бўйича (Ж.В.Рощина, 2007) Россия ва бошқа чет мамлакатлар турли хил тупроқ иқлим шароитларида бир қанча тадқиқотлар ўтказилган ва етиштириш технологиялари ишлаб чиқилган.

И.Н.Тарасова (2012) маълумотларига кўра, амарант ўсимлигини Россиянинг Марказий қоратупроқ райони ўрмон дашт зонасида дон, сабзавот ва ем-

хашак сифатида фойдаланиш мумкин. Амарант уруғлари униб чиқиши учун минимал ҳарорат лаборатория шароитида $+10-12^{\circ}$, дала шароитида эса $+12-15^{\circ}\text{C}$ ни ташкил этади. Уруғ униб чиқиши учун ўз массасига нисбатан 28-30% миқдорда сувни сингдириши керак. Амарант уруғини тупроққа 1-1,5 см чуқурликка экиш керак бўлади. Экиш чуқурлигини бундан кам қилганда ўсимлик ётиб қолиши кучаяди. Бундан чуқур бўлганда эса уруғнинг униб чиқиши камаяди. Амарантнинг турли хил навларига боғлиқ равишда унинг туп қалинлиги гектарига 100-150 минг донани ташкил қилади.

Ж.В.Рощина (2007) тадқиқотларида Россиянинг Ростов области шароитида кўк масса (амарант, кунгабоқар ва маккажўхори аралаш экилган) ҳамда дон учун амарантни ўғитлаш нормаси $N_{120-140} P_{60-90}$ кг тавсия қилинган. Бунда анғизга кўк масса учун экилганда 62,0 т/га биомасса, асосий экин сифатида экилганда эса 98,4 т/га кўк масса ва 2,6 т/га амарант уруғи олинган.

А.В.Стуруа (2007) тадқиқотларида амарант турли хил навларининг ҳосилдорлиги ва ҳосил сифати ўрганилганда Россиянинг Марказий қора тупроқ районида ўртача 4 йилда Жайвир навидан 27,2 ц/га, Харьковский навидан 36,9 ц/га Кремовый ранний ва Ультра навларидан мос равишда 35,0; 33,5 ц/га уруғ ҳосили олинган. Уруғ таркибида энг кўп оксил сақлайдиган навлар Кремовый ранний (16,89%), Харьковский (14,53%) ва Кармин (14,46%) бўлиб, энг кўп мой сақлайдиган навлар эса Ультра (7,44%), Харьковский (7,39%), Кремовый ранний (7,30%) ҳисобланади.

Амарантнинг ўсиши, ривожланишига органик ва минерал ўғитларнинг таъсири, тупроқ унумдорлигига реакцияси, суғориш тизими Ўзбекистон шароитида ҳали ўрганилмаган. Бу ҳақда маълумотлар деярли йўқ. Ушбу қимматбаҳо ўсимликнинг мамлакатимиз тупроқ-иқлим шароитида ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига турли хил омилларнинг таъсирини ўрганиш мақсадида Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти тадқиқотчилари томонидан тадқиқотлар ўтказилмоқда [10,11].

1.2Турли сидерат экинларнинг тупроқ унумдорлигига таъсири

Дехқончилик тизимида тупроқда органик модда миқдорини сақлаб қолиш ва қўпайтириш жуда катта амалий аҳамиятга эга. Чунки органик модда миқдори тупроқнинг унумдорлигини, унинг физик, кимёвий ва биологик хусусиятларини белгилайди, бу эса ўз навбатида экинлар ҳосилдорлигига катта ижобий таъсир кўрсатади. Ўтмишда кенг массивларга эга бўлган ғўза-беда алмашлаб экиш тизимлари ўрнига ғалла-ғўза, ғалла-ғўза-ем-хашак, ғалла-ғўза-сабзавот каби экинларни қисқа навбатлаб экиш тартиблари кириб келди. Бу тартиблар бозор иқтисоди талабларига жавоб берса-да, деҳқончиликнинг янги тизимида ҳам тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш муаммосини келтириб чиқаради (Халиков, 2007).

Шунинг учун деҳқончиликнинг асосий вазифаларидан бири тупроқ унумдорлигини пасайишига йўл қўймаслик, унинг хусусиятларини яхшилаш йўллари ишлаб чиқишдан иборатдир.

Тупроқ хоссаларини яхшилаш билан тупроқ унумдорлигини оширишда асосий тадбирлардан бири оралик экинлардан сидерат сифатида фойдаланишдир (Березовский, Бодров, 1963; Расулов, Қашқаров, Гаппаров, 1987; Орипов, 1988; Узоқов, Орипов ва бошқ., 1993; эрназаров, 2007; Орипов, Бўриев, 2008; Ҳайдаров, Мўминов, 2013).

Т.Г.Мамедов (1960), Т.К.Нагиев (1961), Дж.Едгоров (1963), Дж.Едгоров, Р.Орипов (1967), И.А.Авазов (1967), Р.Орипов (1969), Р.С.Мастае, Г.Р.Меҳнус (1985), И.Ерназаров (1988, 2004), Б.А.Абдурахмонов (1989), В.О.Биедербеск, В.Расиах, С.А.Сампбелл, Р.П.Зентнер, Г.Вен (1998), П.Узоқов, О.Саидмуродов, А.Худойқулов, С.Шоназаров (1999), М.М.Абдаллаҳи, А.НъДаегамие (2000), Р.Е.Бласктҳав, Ж.Р.Моер, Р.С.Дорам, А.Л.Босвелл (2001), С.Жумабоев, Ш.Бердиқулов (2001), Б.М.Халиков, Р.Ш.Тиллаев, Ш.К.Тешаев (2003), З.Салоҳитдинов, Р.Усмонов, К.Дўстмуҳамедов (2003), Б.М.Халиков (2006), Л.Каримова, Н.Усмонов (2006), А.Санақулов, И.Исломов, Ю.Кенжаев (2013), М.Тўхтамишева, Р.Орипов, Ю.Кенжаев (2014) ва бошқаларнинг маълумотларини

кўрсатишича, кўкат ўғитлар ерга ҳайдаб ташланиши тупроқни органик моддалар билан бойитади, унинг умумфизик хоссаларини яхшилайти ва микробиологик жараёнларни кучайтиради ҳамда тупроқнинг ҳайдов қатламида азот ва ҳаракатчан фосфор миқдорини ошишига олиб келади.

Кўкат ўғитлар тупроқ агрегат ҳолатига, ҳажм массасига, сув ўтказувчанлиги, тупроқ намлиги ва ҳароратига, озиқ моддалар миқдори ва бошқа кўплаб хоссаларига ижобий таъсир қилади. Шу каби ижобий ўзгаришлар кўпгина тадқиқотчиларнинг (Едгоров, 1966; Орипов, 1976, 1987; Маннонова, 1983; Узоқов, Шоназаров, 1985; Шоназаров, 1997; Усмонов, 2001; Қўзиев, 2002; Содиков, Содикова, Саитканова, 2006; Маннонова, эгамов, 2006; Орипов, Санақулов, Исломов, Шоназаров, 2006; Халиков, 2006; Алиқулов, 2007; Ёрматова, Бойниёзов, 2008; Кенжаев, Орипов, 2008; Орипов, Санақулов, 2011; Орипов, Кенжаев, Санақулов, 2014) ишларида кенг ёритилган ва уларнинг фикрлари ўзаро мутаносиб.

Тупроқ унумдорлигини белгиловчи хоссаларга унинг механик таркиби, структура ҳолати, сув-физик, иссиқлик, агрохимёвий хоссалари, гумус ва минерал моддалар миқдори, биологик фаоллиги ва сув ўтказувчанлиги киради ҳамда бу хоссаларнинг ижобий ўзгаришига оралиқ экинлар сидерат сифатида қўлланилганда кучли таъсир этади.

Р.Орипов (1969, 1976, 1985, 1987), И.Ерназаров (1988, 2004), Б.Халиков, А.Иминов (2001, 2003), Б.Халиков (2006) ва бошқа тадқиқотчиларнинг тажрибаларида оралиқ экинлардан фойдаланиш тупроқнинг физик-механик хусусиятларини кескин яхшилаганлиги, ҳажм массаси камайиб, дала нам сиғими ортганлиги аниқланган.

Оралиқ экинлардан кўкат ўғит сифатида фойдаланиш тупроқнинг ҳажм массасини $0,05-0,07 \text{ г/см}^3$ га камайитириш, тупроқнинг сув ўтказувчанлигини 3 соат мобайнида бир гектар ҳисобига $80-100 \text{ м}^3$ га ошириши Д.Едгоров (1966) тадқиқотларида исботланган. Шунингдек, кўкат ўғит таъсирида

диаметри 0,25 мм дан йирик бўлган сувга чидамли агрегатлар тоза шудгорга нисбатан 2,1-3,2 % кўп бўлиши аниқланган.

Е.Лифшис (1959) маълумотига кўра, кўкат ўғит сифатида оралик экинлардан фойдаланилганда ҳайдов қатламининг ғоваклиги 6-8 % га ортиб, ҳажм массаси камаяди, бу эса ўз навбатида тупроқ унумдорлигини ва унинг мелиоратив ҳолатини яхшилайдди.

А.О.Кашкаровнинг (1980) таъкидлашича, оралик экинларни қўллаш тупроқдаги гумус, озик моддалар миқдорини ортиши, унинг сув-физик хоссаларини яхшилаши билан бирга даладаги бегона ўтларнинг илдизларини чириши ҳам кузатилади.

Е.И.Зауров, Ғ.Н.Иброҳимов ва бошқаларнинг (1977) маълумотларига кўра, тупроқнинг 0-40 см қатламида ҳажм массаси тажриба йиллари давомида 1,49-1,56 г/см³ бўлиб, оралик экинлар кўкат ўғит сифатида ҳайдаб юборилганда тупроқнинг ҳажм массаси мос равишда 1,42; 1,39; 1,36 г/см³ га камайган. Айниқса, оралик экин сифатида жавдар тупроқнинг ҳайдалма қатламида ҳажм массани 0,07-0,15 г/см³ га камайтирган, шунингдек вегетасия давомида тупроқ ғоваклиги мақбул кўрсаткичда бўлган.

Кўкат ўғит таъсирида макро ва микроагрегатлар миқдори механик таркиби оғир бўлган тупроқларда 1,5-2 марта ортади. Тупроқ механик таркибини агрегатлашда хантал ва унинг аралашмаси яхши кўкат ўғит ҳисобланади. Ханталнинг тупроқ агрегатланиш жараёнига таъсири 0-40 см қатламда яққол намоён бўлади. Тупроқ агрегат ҳолатига таъсири натижасида унинг сув-физик хоссалари яхшиланади, сув ўтказувчанлиги, суғориш олди намлиги, ҳажм массаси каби кўрсаткичлари ижобий ўзгаради (Хамракулов, 1974).

Қ.Мирзажоновнинг (2008) таъкидлашича, тупроқнинг ҳажм массаси унинг гидротермик, ҳаво ва микробиологик ҳолатини белгилайди. Кўкат ўғитлар унинг умумий ҳолатини оптималлаштиради. Сидератлар оғир диск билан майдаланиб, ҳайдалгандан сўнг тупроқнинг агрофизикавий,

агрохимёвий ва биологик хоссалари яхшиланади ва ғўза ҳосилдорлиги сидерат экин турларига қараб 2,8-4,5 с/га ортади.

Шу каби маълумотлар чет эл олимлари томонидан ўтказилган қатор тадқиқотларда ҳам олинган. Ж.Р.Давис, О.С.Хуисман, Д.О.Еверсон ва бошқаларларнинг (1996, 1997, 1999, 2001) тажрибаларида кўкат ўғит таъсирида тупроқнинг физик хусусиятлари, шўрланган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланиб, тупроқнинг эрозияга чидамлилиги ортган. Шунингдек, Р.Лаззери, Г.Р.Мехнус (2001), А.Мслуире ва бошқаларнинг (2003) тадқиқотларида кўкат ўғит сифатидаги хантал тупроқ унумдорлиги, фитосанитария ҳолатини яхшилаганлиги аниқланган.

Оралик экинлар кўплаб вегетатив масса ҳосил қилганда оғир дисклар билан майдаланиб, тупроққа ҳайдаб ташланганда озик моддалар миқдорининг ортиши қатор тадқиқотчилар (Балашев, 1954; Горелов, Едгоров, 1962, 1965, 1967; Орипов, 1969, 1985; Романов, 1986; эрназаров, 1988; Шайхов, Нормухамедов, Шлейхер ва бошқ., 1990; Халиков, Иминов, 2001; Халиков, 2005, 2006) томонидан аниқланган.

Е.П.Горелов, Дж.Едгоров (1962, 1965, 1967), Р.Ориповлар (1969) оралик экинлардан кўкат ўғит сифатида фойдаланиш тупроқда фосфатлар ҳаракатчанлиги ошишини таъкидлашади. Бунга сабаб, унинг илдиэлари тупроққа чуқур кириб боради ҳамда илдиэларидан органик суюқлик чиқаришидир. Бу суюқлик сувда қийин эрийдиган фосфор ва бошқа бирикмаларни эритиб, ўсимлик ўзлаштира оладиган шаклга айлантиради. Муаллифларнинг маълумотларига кўра, хантал массаси ҳайдаб ташланган вариантларда 0-20 см қатламда ҳаракатчан фосфор миқдори назорат вариантга нисбатан 9 мг/кг, 20-40 см қатламда эса 6 мг/кг га ортади.

ЎзПИТИ Марказий тажриба базасида ўтказилган тадқиқотларда оралик экинлар алоҳида ва аралаш ҳолда ўстирилиб сидерат сифатида ҳайдалганда уларнинг тупроқ таркибидаги озик моддалар миқдори га турлича таъсир этганлиги аниқланган, яъни муттасил ғўза ўстирилган назорат вариантда

тупроқдаги углерод (C) миқдори 0,513 %, азот 0,094 %, аралаш сидерасияда углерод 0,557-0,615 %, азот 0,098-0,105 %, жавдар экилганда углерод 0,570 %, азот 0,096 % ни ташкил этган (Романов, 1986).

Н.Н.Балашевнинг (1954) таъкидлашича, Ўзбекистон шароитида ёввойи нўхатдан кўкат ўғит сифатида фойдаланиш ҳисобига гектарига 200-250 кг га қадар азот, 50-60 кг фосфор ва жуда кўп миқдорда органик модда тўпланади.

Р.Ориповнинг (1985) маълумотларига кўра, оралик экинлар тупроқда гектарига 5-6 тонна илдиз, барг ва поя қолдиқлари қолдиради, бу эса 20-25 тонна гўнг миқдorigа тенг келади, бироқ муаллифнинг таъкидлашича дастлабки пайтда унинг таркибидаги НПК органик бирикма шаклида бўлади.

И.Эрназаров (1988) фикрига кўра, қишда ўсадиган оралик экинлар орасида жавдар, сули билан кабилар таркиби углеводородларга бой ҳисобланади, улардан кўкат ўғит сифатида фойдаланиш эса тупроқни органик моддалар билан бойитиш ва унумдорлигини оширишда муҳим ўрин тутди.

Р.Орипов (1983), А.И.Шкорина, В.Г.Хворостяков (1999), Р.С.Шакиров (1999), Н.Раймов, А.Хожасов, У.Султонов (2002), И.Ерназаровлар (2004) оралик экинлар кўкат ўғит сифатида ишлатилганда тупроқнинг ҳайдов қатламида гумус дастлабки миқдorigа нисбатан 12-17 % гача кўпаяди ҳамда тупроқнинг иссиқлик хоссаси мақбуллашади, деган хулосага келади. Кўкат ўғитлар тупроқни ирригасия эрозиясидан асрайди ҳамда шўрланган ерларда зарарли тузларни ювишда ижобий самара кўрсатиб, тупроқ шўрини камайтиради, шунингдек агрокимёвий хоссалари яхшиланиб, келгуси экинлар ҳосилдорлиги ортишига ижобий таъсир кўрсатади.

Албатта бу ҳол органик ва кўкат ўғитларни чуқур ҳайдаш билан боғлиқ, чунки чуқур ҳайдаш органик моддаларнинг минералланиш жараёнини бирмунча секинлаштиради. Шу сабабдан оралик экинлар етиштирилган майдонларни чуқур ҳайдаш мақсадга мувофиқ. Оралик

экинларни юза ҳайдаш чуқур ҳайдашга нисбатан чириндини 1,5 марта, ялпи азот миқдорини 2 марта кам тўпланишига олиб келади (Мансуров, 1991).

Турли тупроқ-иқлим шароитларида ҳар хил оралиқ экинлардан кўкат ўғит сифатида фойдаланиш тупроқ микрофлорасини яхшилаши, тупроқни соғломлаштириши ва вилт касаллиги инфекциясини камайтириши, бегона ўтлар йўқолиши каби маълумотлар олинган (Парушкура, 1977; Маннонов, 1983; Орипов, 1976; Чепелев, Шорохова, 1999).

Н.С.Парушкура (1977) маълумотига кўра, шабдарни кўкат ўғит сифатида 25 см чуқурликда ҳайдаш июл ойигача тупроқда карбонат (ангидрид) кислотаси кўпайганлигини кўрсатади.

А.М.Маннонов (1983), П.Ориповларнинг (1987) тадқиқотларида жавдар ва шабдар кўкат ўғит сифатида ҳайдалганда тупроқда фойдали микроорганизмлар сони 14-16 марта ортганлиги аниқланган, шунингдек Р.Орипов (1983, 1987) ўтказган тадқиқотларда рапс, арпа, шабдар кўкат ўғит сифатида ҳайдалган майдонларда ёмғир чувалчанглари сони назорат – шудгорга нисбатан 6-7,5 маротаба кўпайганлиги кузатилган.

Р.Орипов (1983) фикрига кўра, пахтачилик алмашлаб экишда оралиқ экинлардан кенг фойдаланиш орқали деҳқончиликдаги кўпгина масалаларни ҳал этиш мумкин, энг аввало экин турининг навбатлашуви тупроқдаги микроорганизмлар тури ва сонининг бошқарилишида муҳим ўрин тутади. Оралиқ экинлар экиш туфайли органик модда ва илдиз ажратмалари натижасида микробиологик жараёнлар тезлашиб, тупроқ унумдорлиги ортади. Шунингдек, оралиқ экинлар тупроқдаги айни бир микроорганизмлар гуруҳига ижобий таъсири натижасида тупроқда ўсимлик учун ўзлаштириладиган фосфат ва нитрат бирикмалар захираси вужудга келади. Бунинг учун энг аввало гетеротроф бактериялар, кейин эса автотроф бактериялардан азота ва фосфоробактериялар учун озиқа манбаини оралиқ экинлар экиш орқали юзага келтириш мумкин.

В.П.Чепелев, А.И.Шорохова (1999), Р.С.Шакировлар (1999) гречиха, кўк нўхат, оқ хантал, баҳорги ва кузги рапс, мойли турпни сидерат сифатида кўллаб, энг яхши кўкат ўғит сифатида рапс ва мойли турпни тавсия этишади. Ушбу экинлар ҳосилдорликни ошириш билан бирга кейинги экинларни касалликка чалиниш даражасини сезиларли камайтирган (Тожиев, Таджиев, Мамараимов, 2011; Рустамов, Саидов, Кенжаев, 2014).

О.В.Чекановская (1960), Р.Хасанов (1963), А.Н.Светков (1965), О.Мамедов, О.Казимов (1987), А.Ҳакимов, А.Ҳайдаров (2004) ва бошқа тадқиқотчилар томонидан ҳайдаб ташланган оралик экинлар яшил массасининг чиришида кўплаб замбуруғ ва бактериялар иштирок этганлиги ва уларнинг сони сидератли майдонда назорат-сидератсиз шудгорга нисбатан 14 мартагача кўп бўлганлиги, фаолияти эса 15-25 % га ошганлиги таъкидланади.

А.Марупов (1987), И.Ерназаров (1988), Р.С.Шакиров (1999), Г.Жамолов, А.Ҳайдаров (2002), А.Раҳимов (2003) ва бошқалар кўкат ўғитларнинг тупроқни соғломлаштириш ва унумдорликни оширишдаги роли юқорилигини эътироф этадилар.

Бундан ташқари, оралик экинлардан кўкат ўғит сифатида фойдаланиш тупроқнинг шўрланишини камайтиради, уларнинг илдизлари дренажлик вазифасини ўтайди, ерга ишлов бериш миқдорини, бегона ўтларни, касаллик-ҳашаротларни камайтиради, ерни юмшатади, эрозиядан сақлайди ва бошқа ижобий хусусиятлари билан ерларнинг унумдорлигини оширади (Горелов, Орипов, 1968; эрназаров, 1988; Шакиров, 1999; Холиқов, Нуритдинов, 2011; Абдумўминова, Ботиров, 2012; Ботиров, Кирйигитов, 2012; Исломов, Санакулов, 2014; Отакулов, Мўминов, Рахмонкулова, 2014), шунингдек, кўкат ўғитлар тупроқнинг нафас олиш фаолиятини яхшилади (Муча, 1985).

Оралик экинлардан фойдаланишнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, оралик экинлар ёрдамида фотосинтетик актив радиасиядан фойдаланиш коэффициенти ошириш имконияти туғилади, тупроқ арзон ва актив

биоэнергия билан бойийди. Оралиқ экинлар экилганда октябрдан то апрел ойининг охиригача 1 см^2 сатҳга 27-28 ккал фотосинтетик актив радиасия тўғри келади, бу эса йиллик фотосинтетик актив радиасиянинг 40 % ига яқинини ташкил этади (Орипов, 1985; Орипов ва бошқ., 2006). Бу эса деҳқончиликдаги муҳим энергия манбаи бўлиб ҳисобланади.

Демак, юқорида таҳлил қилинган адабиёт маълумотларидан маълум бўлишича, тупроқ унумдорлиги масалалари турли тупроқ-иқлим шароитларида ҳар томонлама ўрганилган ва ошириш йўллари илмий асосланган. Лекин пахтачилик мажмуидаги ҳозирги қисқа навбатли ғўза-ғалла алмашлаб экишда ушбу масала муаммолигича қолган. Айниқса, бу борада ёзда ғалладан бўшаган майдонларда сидерат экинларнинг тупроқ унумдорлигига таъсири уларни экиш ва ҳайдаш муддатига боғланган ҳолда умуман ўрганилмаган. Ваҳоланки, Республикамиз шароитида жуда кўпчилик майдонлар ёзда ғалладан сўнг бўш қолади. Бундай майдонларга оралиқ ва такрорий экинларни экиш билан ердан, айниқса ФАР дан самарали фойдаланиш асосида қуёш энергияси билан бойиган биомассулот олиш, уларни кузда ерга ҳайдаб юбориш билан тупроқни органик масса билан бойитиш масалаларини ўрганиш назарий ва амалий жиҳатдан долзарб масалалардан ҳисобланади.

II. ТАЖРИБА ЎТКАЗИШ ШАРОИТИ, УСЛУБИ

2.1 Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари

Илмий ишнинг мақсади: Минерал ва органик ўғитларнинг оч тусли бўз тупроқлар гумус ва микробиологик ҳолатига ҳамда ғўзанинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсирини аниқлаш.

Ушбу мақсадга эришиш учун қуйдаги вазифаларни бажардик:

-минерал ва сидерат ўғитларни тупроқ биологик ва агрокимёвий хоссаларига, ҳамда тупроқ гумус ҳолатига таъсирини ўрганиш.

-тупроқ микробиологик фаоллиги ва гумус ҳолатини ўзгаришини тупроқ унумдорлиги ва ғўза ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсирини аниқлаш.

-тупроқ микробиологик фаоллиги, тупроқ гумус ҳолати ва ғўза озикланиши ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш.

-минерал ва сидерат ўғитлар ҳисобига тупроқ микробиологик ва агрокимёвий хоссаларини, жумладан гумус ҳолатини ўзгаришининг тупроқ хоссалари ва ғўза ҳосилдорлигига таъсирини ўрганиш

-тупроқ микробиологик фаоллиги ва гумус ҳолатини бошқаришнинг пахта етиштириш иқтосодий самарадорлигига таъсирини аниқлаш

Ишнинг илмий янгилиги. Биринчи марта тупроқ микробиологик фаоллиги ва гумус ҳолатини бошқариш орқали тупроқ унумдорлигига ва ғўза ҳосилдорлигини оширишнинг илмий асослари ишлаб чиқилди. Тупроқ микробиологик ҳоссалари ҳамда гумус ҳолатига минерал ва сидерат ўғитларнинг таъсири ўрганилиб унинг ғўза озикланиши, ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ва маҳсулот сифатидаги роли аниқланади. Тупроқ микробиологик ва агрокимёвий ҳоссалари, гумус ҳолати ҳамда ғўза озикланишидаги ўзаро узвий боғлиқлик тадқиқ қилинди. Тупроқ

микробиологик хоссалари ва гумус ҳолатининг унинг агрокимёвий хусусияти ва ғўза озиқланишидаги роли ўрганилди. Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикамизда тупроқ унумдорлигини оширишда минерал ва сидерат ўғитлардан фойдаланиш ҳар доим олимларнинг диққат эътиборида бўлиб келган. Ўзбекистон деҳқончилигида ғўза ва ғалла экилган майдонлар тупроқлари таркибидаги гумус миқдорини ўрганиш ва унга минерал ва сидерат ўғитларнинг таъсирини аниқлаш борасида кўпгина илмий тадқиқотлар (Ж. Саттаров, М. Тошқўзиев, Х. Рискіева, Ф. Хошимов, Т. Ортиқов, А. Санақулов) олиб борилган. Лекин Самарқанд вилоятининг Пойариқ тумани оч тусли бўз тупроқлари шароитида минерал ва сидерат ўғитларнинг оч тусли бўз тупроқлар гумус ва микробиологик ҳолатига таъсири бўйича тадқиқотлар етарлича олиб борилмаган.

2.2 Иқлим шароити

Тажриба ўтказилган туман иқлими Пойариқ тумани учун хос бўлган климатга ўхшайди. Фасллар ва кеча-кундуз ўртасида кучли континенталлик мавжуд. Ёз фаслининг июл ойида энг иссиқ, қишда - январ ойида энг совуқ кунлар бўлиши кузатилади. Ёғингарчилик асосан куз, қиш ва баҳор ойларида юз беради. Ўсув даври давомида ёғингарчилик деярли кузатилмайди. Бу эса экинларни етиштиришда уларни албатта суғориш кераклигини кўрсатади. Умуман иқлим шароити қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил олишга имкон беради. Ҳаво ҳароратининг минимуми январга, максимуми июл ойига тўғри келади. Ҳудуднинг ёзи иссиқ ва қуруқ ҳамда қиши қисқа, лекан жуда совуқлиги билан тавсифланади. Ҳавонинг ўртача йиллик ҳарорати кўп йиллик маълумотлар бўйича $12,9^{\circ}\text{C}$ ни ташкил этади. Энг иссиқ ойнинг ўртача ҳарорати $23,5-25,5^{\circ}\text{C}$, энг совуқ ойдаги ўртача ҳарорати $0,3+1,5^{\circ}\text{C}$ атрофида бўлади. Екин экиш учун керак бўладиган $12-14^{\circ}\text{C}$ ҳарорат апрел ойнинг бошида кузатилади. Экин етиштиришда вегетасия давридаги ҳавонинг ҳарорати муҳим рол ўйнайди. Ҳавонинг ўртача нисбий намлиги

куз, қиш ва баҳор ойларида юқори бўлди. Май-сентябр ойлари бу кўрсаткичнинг минимуми кузатилади. Демак, экин ўсув даврида ҳаво нисбий намлиги оптималдан паст бўлади.

2.3Тажриба тузилмаси, услуби

Дала тажрибаси Пойариқ тумани “Акбар” ф/х оч тусли бўз тупроқлари шароитида олиб борилди. Дала тажрибаси схемаси қўйидагича бўлади:

1. Ўғитсиз вариант (назорат)
2. P140K100-Фон
3. Фон+N200
4. Фон+Кўк нўхот
5. Фон+Амарант
6. Фон+Кўк нўхот+амарант

Пойариқ туманида дала тажрибаси оч тусли бўз тупроқда ўтказилди. Бу купроқнинг таркибида 1,10% гумус, 0,114% ялпи азот, 0,19 % ялпи фосфор, 2,5% ялпи калий, 21,65 мг/кг N-NH₄, 30,5% N-NO₃, 28,8 мг/кг ҳаракатчан фосфор, 250 мг/кг алмушувчан калий борлиги аниқланди.

Тажрибада азот, аммиакли селитра (NH₄NO₃ –34.6 % N), Фосфор суперфасфат (Ca(H₂PO₄)₂*H₂O+2CaCO₃ –18 % P₂O₅), аммофос (NH₄ H₂PO₄ –12 % N, 46 % P₂O₅) ва калий –калий хлорид (KCl-60 % K₂O) шаклида қўлланилди. Сидерат кузда шудгор остига берилди. Унинг таркибида 0,5 % азот, 0,25 % фосфор ва 0,6 % калий бор. Тажрибада ғўзанинг “С-8284 нави экилди. Экиш схемаси 60х12х1, тажриба 4 қайтариқда ва 2 ярусда ўтказилди. Битта пайкалнинг эни 4.8 м, узунлиги 50 м майдони 240 м², битта пайкалди 8 та қатор бўлиб, шундан ўртадаги 4 та қатор кузатув қатори, икки четдаги иккитадан тўртта қатор ҳимоя қатори ҳисобланади.

Вариантлар сони 6 та, қайтариқлар сони 4 та ва пайкаллар сони 24 та. Ўсимликларда фенологик кўзатиш ва биометрик ўлчашлар олиб бориш учун

хар бир пайкалнинг 3 жойида – бош, ўрта ва қўйи қисмларидан 33+34+33
схема бўйича 100 та модел ғўза ўсимлиги олинди. Улар 100 гача
номерланибэтекиткаланди. Барча улчаш, санаш ва кузатиш ишлари ўша
моделўсимликларда олиб борилди.

Микробиологик анализлар:

1. Бактериялар сони-Гўшт пептонли агарда
2. Замбуруғлар сони –Чапек муҳитида
3. Актиномеситлар сони- Крахмал – аммиакли агарда
4. Азотофиксаторлар сони- эшби муҳитида
5. Аммонификаторлар сони – Гўшт пептонли агарда
6. Нитратредуциентлар сони - Гилтай муҳитида
7. Нитрификаторлар сони – Виноградский муҳитида
8. Селлюлозапарчаловчи микроорганизмлар-Гетчинсон муҳитида

Агрохимёвий анализлар

1. Гумус миқдори – Тюрин усулида
2. Гумус ва ялпи NPK захираси-ҳисоб-китоб йўли билан
3. Ялпи NPK - Малсев Грисенко усулида
4. $N-NH_4$ – ФЕК да Несслер реактиви ёрдамида
5. $N-NO_3$ – Грандвалд-Ляжу усулида
6. Ҳаракатчан фосфор- ФЕК да Мачигин усулида
7. Алмашинувчан калий – алангали фотометрда Мачигин –Протасов усулида
8. Муҳит реакцияси (pH) – иономерда потенциометрик усулда

Ўсимликдаги биометрик ўлчашлар

1. Ғўза асосий поясининг баландлиги, см
2. Битта ўсимликдаги барг сони, дона
3. Битта ўсимликдаги симподиал шохлар сони,дона

4. Битта ўсимликдаги шона сони, дона
5. Битта ўсимликдаги гуллар сони, дона
6. Битта ўсимликдаги мева тугунлари сони, дона
7. Битта ўсимликдаги кўсак сони, дона

Ўсимликдаги фенологик кузатишлар

1. экиш
2. Униб чиқиш
3. 2-3 та чинбарг ҳосил қилиш фазаси
4. Шоналаш
5. Гуллаш
6. Пишиш

Ҳосилдорлик ҳар бир пайкалнинг ҳисоб-китоб қаторларидан ҳосилни ёппасига бутунлай териб олиш юли билан аниқланади.

Дала тажрибалари ЎзПТИ ва ТАИТИ услублари бўйича олиб борилади. Барча анализлар умумқабул қилинган стандарт услубларда амалга оширилади. Олинган маълумотлар дисперсион анализ йўли билан математик статистик таҳлил қилинади (Б.А.Доспехов, 1985). Дала тажрибасини ўтказиш ва лаборатория анализлари методикаси «Методика полевых и вегетационных опытов с хлопчатником в условиях орошения», «Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в полевых хлопковых районах» «Методы агрохимических исследований почв», «Практикум по агрохимии», «Методика опытного дела» каби адабиётларда келтирилган.

III-БОБАСОСИЙ ҚИСМ СИДЕРАТНИНГ ТУПРОҚ АГРОКИМЁВИЙ ХОССАЛАРИГА ТАЪСИРИ

3.1 Сидерациянинг тупроқ гумус миқдорига таъсири

Оралик экинлар кўплаб вегетатив масса ҳосил қилганда оғир дисклар билан майдаланиб, тупроққа ҳайдаб ташланганда озик моддалар миқдорининг ортиши қатор тадқиқотчилар (Балашев, 1954; Горелов, Едгоров, 1962, 1965, 1967; Орипов, 1969, 1985; Романов, 1986; эрназаров, 1988; Шайхов, Нормухамедов, Шлейхер ва бошқ., 1990; Халиков, Иминов, 2001; Халиков, 2005, 2006) томонидан аниқланган.

Е.П.Горелов, Дж.Едгоров (1962, 1965, 1967), Р.Ориповлар (1969) оралик экинлардан кўкат ўғит сифатида фойдаланиш тупроқда фосфатлар ҳаракатчанлиги ошишини таъкидлашади. Бунга сабаб, унинг илдизлари тупроққа чуқур кириб боради ҳамда илдизларидан органик суюқлик чиқаришидир. Бу суюқлик сувда қийин эрийдиган фосфор ва бошқа бирикмаларни эритиб, ўсимлик ўзлаштира оладиган шаклга айлантиради. Муаллифларнинг маълумотларига кўра, хантал массаси ҳайдаб ташланган вариантларда 0-20 см қатламда ҳаракатчан фосфор миқдори назорат вариантга нисбатан 9 мг/кг, 20-40 см қатламда эса 6 мг/кг га ортади.

ЎзПИТИ Марказий тажриба базасида ўтказилган тадқиқотларда оралик экинлар алоҳида ва аралаш ҳолда ўстирилиб сидерат сифатида ҳайдалганда уларнинг тупроқ таркибидаги озик моддалар миқдорига турлича таъсир этганлиги аниқланган, яъни муттасил ғўза ўстирилган назорат вариантда тупроқдаги углерод (C) миқдори 0,513 %, азот 0,094 %, аралаш сидерасияда углерод 0,557-0,615 %, азот 0,098-0,105 %, жавдар экилганда углерод 0,570 %, азот 0,096 % ни ташкил этган (Романов, 1986).

Н.Н.Балашевнинг (1954) таъкидлашича, Ўзбекистон шароитида ёввойи нўхатдан кўкат ўғит сифатида фойдаланиш ҳисобига гектарига 200-250 кг га қадар азот, 50-60 кг фосфор ва жуда кўп миқдорда органик модда тўпланади.

Р.Ориповнинг (1985) маълумотларига кўра, оралик экинлар тупроқда гектарига 5-6 тонна илдиз, барг ва поя қолдиқлари қолдиради, бу эса 20-25

тонна гўнг миқдорига тенг келади, бироқ муаллифнинг таъкидлашича дастлабки пайтда унинг таркибидаги НПК органик бирикма шаклида бўлади.

И.Эрназаров (1988) фикрига кўра, қишда ўсадиган оралик экинлар орасида жавдар, сули билан кабилар таркиби углеводородларга бой ҳисобланади, улардан кўкат ўғит сифатида фойдаланиш эса тупроқни органик моддалар билан бойитиш ва унумдорлигини оширишда муҳим ўрин тутади.

Р.Орипов (1983), А.И.Шкорина, В.Г.Хворостяков (1999), Р.С.Шакиров (1999), Н.Раймов, А.Хожасов, У.Султонов (2002), И.Ерназаровлар (2004) оралик экинлар кўкат ўғит сифатида ишлатилганда тупроқнинг ҳайдов қатламида гумус дастлабки миқдорига нисбатан 12-17 % гача кўпаяди ҳамда тупроқнинг иссиқлик хоссаси мақбуллашади, деган хулосага келади. Кўкат ўғитлар тупроқни ирригасия эрозиясидан асрайди ҳамда шўрланган ерларда зарарли тузларни ювишда ижобий самара кўрсатиб, тупроқ шўрини камайтиради, шунингдек агрокимёвий хоссалари яхшиланиб, келгуси экинлар ҳосилдорлиги ортишига ижобий таъсир кўрсатади.

Албатта бу ҳол органик ва кўкат ўғитларни чуқур ҳайдаш билан боғлиқ, чунки чуқур ҳайдаш органик моддаларнинг минералланиш жараёнини бирмунча секинлаштиради. Шу сабабдан оралик экинлар етиштирилган майдонларни чуқур ҳайдаш мақсадга мувофиқ. Оралик экинларни юза ҳайдаш чуқур ҳайдашга нисбатан чириндини 1,5 марта, ялпи азот миқдорини 2 марта кам тўпланишига олиб келади (Мансуров, 1991).

Турли тупроқ-иқлим шароитларида ҳар хил оралик экинлардан кўкат ўғит сифатида фойдаланиш тупроқ микрофлорасини яхшилаши, тупроқни соғломлаштириши ва вилт касаллиги инфекциясини камайтириши, бегона ўтлар йўқолиши каби маълумотлар олинган (Парушкура, 1977; Маннонов, 1983; Орипов, 176; Чепелев, Шорохова, 1999).

А.М.Маннонов (1983), П.Ориповларнинг (1987) тадқиқотларида жавдар ва шабдар кўкат ўғит сифатида ҳайдалганда тупроқда фойдали

микроорганизмлар сони 14-16 марта ортганлиги аниқланган, шунингдек Р.Орипов (1983, 1987) ўтказган тадқиқотларда рапс, арпа, шабдар кўкат ўғит сифатида ҳайдалган майдонларда ёмғир чувалчанглари сони назорат – шудгорга нисбатан 6-7,5 маротаба кўпайганлиги кузатилган.

Р.Орипов (1983) фикрига кўра, пахтачилик алмашлаб экишда оралик экинлардан кенг фойдаланиш орқали деҳқончиликдаги кўпгина масалаларни ҳал этиш мумкин, энг аввало экин турининг навбатлашуви тупроқдаги микроорганизмлар тури ва сонининг бошқарилишида муҳим ўрин тутди. Оралик экинлар экиш туфайли органик модда ва илдиз ажратмалари натижасида микробиологик жараёнлар тезлашиб, тупроқ унумдорлиги ортади. Шунингдек, оралик экинлар тупроқдаги айна бир микроорганизмлар гуруҳига ижобий таъсири натижасида тупроқда ўсимлик учун ўзлаштириладиган фосфат ва нитрат бирикмалар захираси вужудга келади. Бунинг учун энг аввало гетеротроф бактериялар, кейин эса автотроф бактериялардан азота ва фосфоробактериялар учун озиқа манбаини оралик экинлар экиш орқали юзага келтириш мумкин.

1-жадвал

Сидерациянинг тупроқ гумус миқдорига таъсири, %

№	Вариантлар	Тажриба қўйишдан олдин	Тажриба охири 2016 йил
1	Назорат(Ўғитсиз)	1.1	1.1
2	P ₁₄₀ K ₁₀₀ - Фон	1.1	1.1
3	Фон+N ₂₀₀	1.1	1.05
4	Фон+ Кўк нўхат	1.1	1.15
5	Фон+ Амарант	1.1	1.16
6	Фон+ Кўк нўхат+Амарант	1.1	1.18

Тажриба даласи тупроқларида гумуснинг миқдорига таъсири дастлабки миқлорини 1.1%дан 1.18 % гача ошириши кузатилди бунда энг яхши вариант кўк нўхатни амарант билан бирга қўлланилганда ошиши аниқланди.

Тажриба даласи тупроқларининг агрокимёвий тавсифи.

Тадқиқотларимиз Самарканд вилояти Пойарик тумани оч тусли бўз тупроқларидағўзанинг С-8284 нави ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлиги ҳамда тупроқ таркибидаги гумус, NPKга таъсири бўйича дала тажрибалари 2015-2016 йиллар давомида олиб борилди

Тажриба даласининг тупроқлари агрокимёвий тавсифлаш учун изланишлар олдидан даланинг ҳайдов (0-30) ва ҳайдов ости (30-60 см) қатламларидан тупроқ намуналари Самарқанд қишлоқ хўжалик институти агрокимё тупроқшунослик ва ЎХҚ кафедраси марказий илмий лабораториясида анализ қилинди.

Олинган намуналарнинг кимёвий таҳлили шуни кўрсатадики 0-30 см қатламда гумус миқдори 1.1% ташкил этиб умумий азот фосфор ва калийнинг миқдори тегишлича 0.06-0.11; 0.09-0.20; 2.2 % ни ташкил этиши аниқланди.

Тупроқ таркибидаги ҳаракатчан озика моддаларнинг нисбий миқдори сингдирилган аммоний шаклидаги азот 24.8 мг/кг , тажриба даласининг ҳайдов қатламидаги ҳаракатчан фосфор ва алмашинувчан калий билан таъминланишига кўра кам таъминланган тупроқлар гуруҳига кириб унинг миқдори тегишли равишда 28.6 ва 272.3 мг/кг ни ташкил этди.

Тупроқнинг муҳити реакцияси ҳайдов қатламида кучсиз ишқорий бўлиб, pH сувли кўрсаткичи 7.4 тенг бўлди

Тажриба даласи оч тусли бўз тупроқларининг синдириш сиғими 100 грамм тупроқда 9.9 мг/ экв ни ташкил этгани ҳолда, абсолют миқдорининг асосий қисми кальций катионига тўғри келиб 7,9 мг/экв 100 г тупроқда эканлиги аниқланди. Сингдириш сиғимида магний катиони 1.32 мг/экв 100г

Экишдан олдин тажриба майдонлари тупроыининг агрокимёвий тавсифномаси (2015 йил)

Катлам	Гумус %	Усумий %			Харакатчан мг/кг			pH	Сингдириш сигими 100 гр тупрокда мг/экв	Шу жумладан			
		N	P	K	N- NH ₄	P ₂ O ₅	K ₂ O			Ca	Mg	NH ⁴	K ⁺
